

ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 10

Самарканд шаҳри

2022 йил 21 январ

Самарканд вилояти ҳокимлигининг Кенгашлар уйидан фойдаланиш бошкармаси номидан бошкарма бошлиғи в.в.б. С.С. Болтаев бошкарма Низомига асосан, бундан кейин «хизмат күрсатувчи», деб юритилади; бир томондан ҳамда Самарканд вилояти Туризм ва спорт бош бошкармаси бошлиғи Р.Р.Кобилов ташкилот Низомига асосан, бундан кейин «Буюртмачи», деб юритилади, иккинчи томондан, ҳар иккى томон биргаликда «Томонлар», деб аталади, ушбу шартномани тузиб, кўйидагилар ҳакида келишиб олдилар:

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Хизмат күрсатувчи» «Буюртмачи»га Самарканд шаҳри Кўк сарой майдони 1а-уй манзилида жойлашган бинонинг 5- ва 7- қаватларида (кўриқлаш, фаррошлик, чикинди олиб чикиш, лифт) хизматларини кўрсатади.

II.ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Хизмат күрсатувчи» мажбур:

2.1.1. «Хизмат күрсатувчи» «Буюртмачи»га (кўриқлаш, фаррошлик, чикинди олиб чикиш, лифт) хизматлари кўрсатиш.

2.1.2. «Хизмат күрсатувчи» «Буюртмачи» нинг бинода сакланаётган мол-мулкини кўриқлаш.

2.1.3. «Хизмат күрсатувчи» бинонинг техник курилмалари, муҳандислик курилмаларида пайдо бўлган носозликларни ўз вактида бартараф этилади.

2.2. «Буюртмачи» кўйидагиларга мажбур:

2.2.1. Бинодан ушбу шартноманинг 1.1 бандидаги шартлар доирасида фойдаланади.

2.2.2. Бинонинг элементларида аникланган носозликлар тўғрисида Хизмат кўрсатувчига ўз вактида хабар беради.

2.3. Хизмат кўрсатувчи кўйидаги ҳуқукларга эга:

2.3.1. Буюртмачидан бинодан техник фойдаланишининг ягона қоидалари ва ёрғомаларига риоя килинишини талаб килиш.

2.3.2. Буюртмачидан (кўриқлаш, фаррошлик, чикинди олиб чикиш, лифт) хизматлари учун 3.1-бандда кўрсатиб ўтилган муддатларда ҳак тўлашни талаб килиш.

2.3.3. Хизмат туар жойининг конструкциялари ва техник курилмалари ҳамда ёрдамчи хоналарининг ҳолатини кўздан кечириш.

2.4. Буюртмачи кўйидаги ҳуқукларга эга:

2.4.1. Зарур ҳолларда Хизмат кўрсатувчидан хизмат туар жойининг конструкциялари ва техник курилмаларининг ҳолатини режадан ташкари кўздан кечиришни талаб килиш.

2.4.2. Кечиктириб бўлмайдиган зарурат бўлиб колганда хизмат туар жойининг Хизмат кўрсатувчи вазифасига кирувчи қисмларини тузатиш (бу ҳакда хат оркали хабар килингандан сўнг, ундан тузатиш кийматини ундириш ёки тузатиш кийматини келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш).

2.4.3. 2.1.1, 2.1.2 ва 2.1.3-бандларда назарда тутилган мажбуриятлар Хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилмаган ҳолларда техник хизмат кўрсатиш ва бошка хизматлар учун тўловларни кайта ҳисоблашни талаб килиш.

III.ХИСОБ-КИТОБЛАР

3.1. Хизмат кўрсатиш баҳоси кўйидагича:

Ушбу хизматларнинг 1(бир) ойлиги бинонинг 5,7-қаватларидан фойдаланаётган майдон жами **1089,51** метр кв.х16898 сўм=18 410 539,3 (уч) ойлиги учун **55 231 617** сўм 00 тийинни ташкил этади. Мазкур шартноманинг умумий суммаси **55 231 617** сўм (Эллик беш миллион икки юз ўттиз бир минг олти юз ўн етти) сўм 00 тийинни ташкил килади.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган хизматлар туркуми суммасининг 30 фоизи микдорида ойма-ой олдиндан ҳак тўлайди ва кўрсатилган хизматлар учун кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин хизматлар туркуми суммасининг қолган қисмини ҳар ой якуннада тўловни амалга оширади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан иш ҳаки давлат конунчилиги доирасида оширилганда «Буюртмачи»га барча хизматлар ҳисоби кайта килинади ва кўшимча келишув шартномаси тузилиб шартномада кўрсатилган суммага ўзгартиришлар киритилади.

IV.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Кўрсатилаётган хизматлар сифати, микдори хизмат кўрсатувчи томонидан нотўғри аникланishi, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган тақдирда хизмат кўрсатувчи кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган холда кайта ҳисоб-китоб килади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари «Буюртмачи»га нотўғри ҳисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

4.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлик кўрсатилмаган тақдирда Хизмат курсатувчи, "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

4.3. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида ҳак тўланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида маҳсус хисоб ракамидан пена тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

4.4 Тўловларни ўз вактида тўланмаганлиги учун "Буюртмачи"ни хисоб ракамига Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим килинган счет фактура ва огохлантириш хатига асосан солиштирма далолат бўлмаса ҳам тўлов талабномаси банкдаги хисоб ракамига кўйилади.

4.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

4.6. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилиган ишлар ва кўрсатилган хизматлар нархи юкори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Хизмат кўрсатувчи» томонидан конланади.

V.ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

5.1.Ушбу Шартнома мажбуриятларининг ижроси ёки қисман ижроси енгид бўлмайдиган куч (ер кимирлаши, ёнгин, сув тошкени, портлаш, бинонинг чўкиши, эпидемиологик вазиятлар ва бошка табиий оғатлар, уруш ва уруш харакатлари) оқибатида тўмонлар тарафидан таъминланмаса, улар шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича жавобгарликдан озод этиладилар. Бундан ташкари, электр энергиянинг қиска муддатда ўчиб ёниши оқибатида ахборот коммуникацияларига зарар етганда, совук сув ва иситиш тизимининг ишдан чикиши натижасида Буюртмачига зарар етган ҳолатда хизмат кўрсатувчи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VI.ШАРТНОМА МУДДАТИ

6.1.Шартнома муддати (Хизмат кўрсатиш муддати) **21.01.2022** йилдан бошланади ва **31.03.2022** йилдан тугайди.

6.2.Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, вилоят Газначилик бошкармасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилганидан сўнг конуний кучга киради.

VII.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича юзага келган барча низолар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади.

7.2.Томонларнинг ўзаро келишувида ёчимини топмаган низолар хўжалик суди томонидан кўриб чикилади ва ҳал қилинади.

VIII.ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1.Ушбу Шартнома унда кўрсатилган муддат тугагунга қадар томонлардан бирининг ёзма хатда (чикиш раками, иили ва санаси кўйилиб, расмийлаштирилган холда) ифодаланган асосли сабаблар кўрсатилган ва камиде 1 (бир) ой олдин берилган огохлантириш асосида бузилиши, вилоят ҳокимлигининг топшириғига асосан 3 кун муддат ичидан бошка каватга кўчириш ёки бинодан чиқариш мумкин.

8.2.Ушбу Шартномага ўзгариши ва кўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви асосида имзоланган ҳамда ёзма равища ифодаланган шаклда киритилади. Бундай кўшимчалар шартноманинг ажралмас қисми саналади.

8.3.Ушбу Шартнома 2 (икки) нусхада ўзбек тилида тузилди. Ҳар иккала нусха ҳам бир хил ва бирдек юридик кучга эга. Шартнома томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан мавжуд.

IX.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

"Хизмат кўрсатувчи"	"Буюртмачи"
Самарканд вилояти ҳокимлигининг Кенгашлар уйидан фойдаланиш бошкармаси	Ташкилот номи:
Манзил : Самарканд шаҳар Кўксарой майдони 1-А уй	Манзил:
Тел. :66 235-10-84	Тел. Факс:
x/p:20208000500436191001	X/P:
Банк номи: ТИФ Миллӣ банки Самарканд вилоят бўлими	Банк номи:
МФО:00278 СТИР:201212631	МФО:
Бошкарма бошлиғи в.в.б	С.Болтаев
Хукукшунос: Ф.И.Ш. Имзо	Р.Кобиев Ф.И.Ш

Хукукшунос: Ф.И.Ш.
Имзо

Р.Кобиев
Ф.И.Ш